

БУДДАВИЙЛИКДА “ЛАМАИЗМ” ТАЪЛИМОТИ

Н.Маматкулова - ТошДШИ магистранти

Аннотация

Ушбу мақолада Буддавийликнинг асосий йўналишларидан бири бўлган “Ламаизм” йўналишининг таълимоти шаклланиш тарихи ўзига хос хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритилган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, жамиятнинг барча соҳаларида бўлгани каби, илмий маънавий соҳада ҳам улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. “Бирор бир жамият маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истққболини тасаввур эта олмайди”.¹

Буддавийлик - учта дунё динлари ичида энг қадимийси ҳисобланиб, эраимиздан авалги ВИ - В асрларда Ҳиндистонда юзага келган. Бу динга эътиқод қилувчилар, асосан, ланубий, Жануби - Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатларида, Шри-Ланка, Ҳиндистон, Непал, Хитой, Бутан, Сингапур, Малайзия, Монголия, Корея, Ветнам, Япония, Комбоджа, Бирма, Тайланд, Лаосда ва қисман Европа ва Америка қитъаларида, Россиянинг шимоҳй минтақалари - Бурятия, Қалмиқистонда истиқомат қиладилар.

Хитойда чан-буддавийлик билан бирга ламаизм йўналиши юзага келган. «Ламаизм» ибораси Тибетдаги буддавий роҳибламнинг номидан келиб чиққан. Ламаизмнинг вужудга келган вақти ҳақида турли маълумотлар мавжуд. Айрим манбаларда унинг ХИВ аср охири - ХВ аср бошларида вужудга келганлиги қайд этилган, бошқа манбаларда ВИИ асрда вужудга келганлиги тўғрисида маълумот берилган. Агар биз буддавийликнинг Ҳиндистондан Осиё қитъасининг бошқа қисмларига ёйилиш йўналишини кузатсак, бу жараён узок вақт давом этиб, фақат ХИВ асрга келиб Тибетда узил-кесил вужудга келган, деган фикрга келишимиз мумкин.

Ламаизм таълимоти чан-буддавийлик каби маҳалҳй диний қарашламнинг буддавийлик таълимоти билан мулоқоти натижасида шакланган. Шу боис ламаизм таълимотида ривожланган диний тизим элементлари билан бирга ибтидоий даврга хос қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, диний ривоятларда Ер ясси доира шаклида тасаввур қилинади. У океан билан ўраб олинган тўитта материкка бўлинади. Еми фил кўтариб туради. Фил эса, тошбақанинг устида туради. Агар ерда ёмонлик кўпайиб кетса, тошбақа безовталанади ва қимирлайди. Натижада ерда зилзилалар бошланади. Бундай бўлмаслиги учун одамлар гуноҳ қилмаслиги, худога ибодат қилиб, яхши яшашлари лозим, деб ҳисобланади².

Ламаизм таълимотида тантризм (санскрит тилида *тантра* - жимжимадорлик, сирли матн, сеҳргарлик деган маънолами англатади)

¹ Karimov I. A. “O‘zbekiston XXI asr bo‘lag‘asida: xavfsizlikka tahdid, batqarqfflik sHaitian va taraqq‘y⁰* kafolatlari”. Toshkent. “O‘zbeKston”) 997,524-bet

² Ling Haicheng “Buddhism in China” China intejxxmtinental press 2004.P-48.

ғояларининг таъсири жуда кучлидир. Тантризм Веда динидан келиб чикқан. Унга кўра, одам ва коинот бир-бири билан боғлиқ воқеликдир. Одам микрокосм (микрокоинот) воқелиги бўУб, коинотдаги ашёлардан яралган. Унинг танаси ҳам коинотга ўхшаш қилиб тузилган.

Тантризм билан ёғлар амалиёти боғлиқдир. Ёғ амалиёти орқали одамдаги раудроқ энергетик ибтидо ҳаракатга келтирилади. Бу вазифани киши фақат устоз (гуру) ёрдами билан амалга ошириши мумкин. Ламаизмда жуда кўп худо (будда)лар ва ғайритабиий мавжудотлар мавжуд. Худолар гуруҳига будда Шакямуни бошчилик қилади. Буддалар вазифалари ва ижтимоий ҳаётдаги мавқеи билан бир-биридан фарқ қилади. Бунда буддалар билан бирга, бодхисатваларга ва диний таълимотни ишлаб чиқишдаги хизматлари билан ном қозонган ва худолар даражасига кўтарилган шахсларга ҳам сиғинилади.

Ламаизмда диндориар ва диний ташкилотларга бош руҳоний - далайлама (мўғул- тибетчада - денгиз каби буюк, деган маънони англатади) раҳбарлик қилади, Далай-лама ерда қайта туғилган мавжудотламнинг энг буюги, ердаги худо сифатида улуғланади. Унинг вафот этиши, ерда янгидан қайта туғилишнинг бошланишини билдиради. Шиминг учун бош руҳоний вафот этгандан кейм махсус вакоМаига эга ҳайъат тузиладиъ.

Ҳайъат бир йил муддатда вафот этган далай-ламанинг руҳи ўтган болани ахтариб тописби керак. Бола атрикланганидан кейин ибодатхонада тарбияланади. Ворис деб топилган бола балоғат ёшига етгунига қадар бош руҳоний вазифесини регент (лотинча *регенс* - идора қилувчи, деган маънони англатади) бажайади. Ҳозирги вақтда ламаизмнинг бошлиғи Далайлама ХИВ Лозондантзенджансоигвант (1935 йилда туғилган) ҳисобланади. Одатда, диний ҳаётнинг маркази вазифасини ибодатхоналар бажаради. Ибодатхоналарда диний маросим ва удумлар бажарилади, худога ибодат қилимди, шунингдек, улар маърифий ва сиёсий марказ ҳам ҳисобланади. Ибодатхоналарда раҳонийлар, уламинг хизматкорлари ва шогирдлари яшайдилар, турли диний маросимлами бажаришда қоихмиладигау жиҳозлар, муқаддас марнлар сақланади. Бино деворларининг ички қисмига буддалар ва баихисаиваламинг тасвири туширилган бутлар қўйилади. Диний маросимлар эса, тибет ффлида амалга оширилади.

Ламаизмда диний байрамлар унчалик кўп эмас. Уламинг энг йириги санагган (оқ ой) байрамидир. Бн байрам қадимги ой тақвими бўйича янги йилнинг кириши нмносабати билан нишонланади ва тантана ўа олти кун давом этади. Тантана давомида «Будданинг ўн икки мўжизаси»га бағишланган жуда кўп диний маросим ва удумлар бажарилади. Ёз фаслининг ўрталарида «вайдаранинг доира бўукб айланиши», деб аталадиган диний байрам иВтказилади.

Аннотация

Мазкур мақолада Хитой Буддавийлиги мактабларидан бири бўлган Тянтай мактабининг тарихи, таълимоти ва ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган.

БУДДИЗИМ ФАЛСАФАСИДА ТЯНТАИ МАКТАБИ

Н. Маматкулова - ТДШИ магистранти

Бу оқимга Суи сулоласи даврида Зхи Йи (538-597) томонидан асос солинган. Кучли онги ва тиришқоқлиги натижасида у 18 ёшидаёқ роҳибга айланган. 23 ёшида эса у ўзининг биринчи устози Нанюе Хуи олдида обрўси ошди. Хуи Сидан кўп сабоқлар олганидан сўнг, у 567-йилда вақтини Жинглинг пойтахтида ишлаб ўтказди. Кейинчалик у Тиантаи тоғига чиқиб кетди ва у ерда у Лотус сутрани. ўрганишни бошлади. Чунки унинг учун бу Махаяна* таълимжтининг энг мўҳим сутралардан бири ҳисобланган. Бундан ташқари Лотус сутраси Саддхармапундарика сутраси ёки яхши қонун-қоидалар номи билан ҳам* машҳур. Лотус сутраси Будда табиатида туғилган ва универсал ҳақиқатни тасвирлаб беради. Улар ҳаётнинг қадр-қимматига катта ҳурмат билан қарашни ўргатган. Сақямуни таълимотига кўра, ҳар бир одамнинг фикри ойдинлаша олади. Бу ўз-ўзидан архата, яъни муқаддас одамга айланишига олиб келади.

Махаяна ва Ҳинаяна буддизмнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Махаяна И асрда Ҳиндистонда пайдо бўлган ва кейинчалик Хитойга кириб келган. Ҳинаяна фақатгина Буддани тан олади. Ҳинаяна мустақил равишда натижаларга эришиш йўлини танлаган. Тиантаи мактабида қуйидаги оқимлар шаклланган:

Санлун оқими. Санлун мазҳаби ёки Мадҳямика Хитойда пайдо бўлмаган. У “Мадҳямика” ёки Нагаржунанинг 12 дарвозаси асосида ишлаб чиқилган. Яъни бу муаммоларга асосланган асарлар Нагаржуна ва Арядева роҳиблари томонидан шаклланган. Санлун мазҳабини биз эрта бошланган дея олмаймиз. Бу мазҳабнинг асосчиси Кумаражива (344-413) ҳисобланади [1, 53].^Р У буддизм тарихида энг машҳур шахслардан бири бўлган.

Кумаражива Куча 344-йилда Марказий Осиёда туғилган. Унинг отасининг исми Кумаражана. У жуда одобли ва ақлли бўлган. Отасининг ўмига вазир лавозимида ўтишга тайёр бўлганида, у енгилди ва роҳиб бўлиш учун тоғга чиқиб кетди. Подшо уни ҳурмат қилган ва уни ҳукумат бошлиғи этиб сайлаган. Лекин Кумаражана подшонинг кичик синглисига уйланишга мажбур бўлган ва шўх тариқа уларда Кумаражива дунёга келган. Кумараживанинг онаси оқила ва сутралами ўқишни биладиган доно аёл бўлган. Кумаражива 7 ёшга тўлганида унинг онаси роҳиба бўлган. У онасининг орқасидан эргашиб, буддизм мазҳаб ва оқимлари ҳақида кўп нарсалами билиб олди. Ҳудди онасига ўхшаб у ҳам минглаб сутра

шеърларини ўқишни ўрганди. 12 ёшида у яна Кучага қайтиб келди. Кўплаб мамлакатлар уни ўз давлатларига буддизмни ёйиш учун катта лавозим эвазига таклиф қилишган. Лекин у рад этди. Кейинчалик у Кумаражива катта будда бўлишини башорат қилган архат билан учрашди. 20 ёшлигида у тўлалигича буддизмга ўзини бағишлади. Кумаражива Куча ва кўшни давлатларда жуда машхур ҳисобланган [2].

401-413-йиллар оралиғида Кумаражива 35 та йирик сутраами 294 жилдда таржима қилди. Уламинг ичида энг асосийлари Астасаҳастрика Пражнапарамита, яъни Лотус сутраси, Ваджрасатхадика Пражнапарамита яъни Олмос сутраси, Кичик Сукхавати-вгүҳа, Амитабҳа сутра, Мадҳямакашастра, Шатика-шастра, Двадашамукҳа шастра, Саҳсвативадин Шастра ва Вималакирти Нирдеша сутралар ҳисобланади. Кумаражива ўлимидан олдин, айтганки, агар уриинг қилган таржималари асл буддизм ёзмалари билан мос келмаганида, унинг тили тегилмаган бўларди. Куйдирилганидан кейин унинг танаси тегилмаган.

Санлуннинг энг машхур патриарх ибодатхоналаридан бири Жиангсу вилоятининг Қихиа тоғида жойлашган Қихиа ибодатхонаси ҳисобланади. У" оЖти сулола давомида қурилган (483-489). Бошида бу оддийгина уй бўлган. Лекин кейинчалик Сенг Ланг, Сенг Қуан ва Фа Ланглар ибодатхонасига буддизмни олиб кирдилар. 1885-йилда Император Хиан Фенг томонидан ёндирилиб, кулга айлантирилган ва яна қайта қурилган. Ибодатхона деворларида 1000 га яқин будда умуртқа суяклари, 515 та ҳайкалчалари мавжуд.

Фа Хианг оқими. Фа Хианг оқими ёки Дҳармалаксана ВИИ асрда Хуанзҳанг Хиндистондан қайтиши билан ташкил топди. Хуан Зҳуанг буддизм ривожланишига катта ҳиссасини кўшди ва Хитой маданияти тарихида ўзига яраша мавқеига эга бўлди. Хуан Зҳуанг 602-йилда Яншида туғилган. Унинг отаси Жианглинг шаҳрининг бошқарувчиси бўлган. Ўзини буддизм таълимотига 21 ёшида бағишлади. Ҳар хил сутраами ўрганиш пайтида у жуда кўп муаммолар ва ғояларнинг қарама-қаршилигига дуч келди [3, 207-212]. Шунинг учун бу ечимларга жавоб топиш учун Хиндистонга кетади. Лекин очарчилик даври бўлгани учун Тианшуи, Ланзхоу орқали ўтиб, Лиангзхоуга келади. Хуан Зҳуанг 645-йилда 17 йил ўтгандан кейин Хитойга қайтиб келди. У 25.000 км йўл босиб, 138 давлатда бўлган. 75 та муқаддас будда ёзувларини таржима қилиш учун 20 йил вақти кетди. Шу билан 1335 ҳажмни таржима қилиб, Хитойнинг машхур таржимонлари сафидан жой олди.

Уламинг энг катта қурилмаларидан бири Катта ғоз иншоати ҳисобланади. Бу иншоат 60 метр баландликда қурилган. Лекин 1 савол ўйлантиради. Бу қурилма ва буддизм орасида қандай боғлиқлик томони бор? Тарихий манбаларга кўра, Да Сиёнда яшовчилар умуман гўшт емаган. Улар худога илтижо қилиш ва ибодат қилиш билан кун кечирганлар.

Милоддан аввалги 701-704 йиллар оралиғида Император Ву Зетиан 5 та шундай иншоатдан қурдиради. Лекин уруш вақтида улардан учтаси вайрон бўлади.

Адабётлар:

1. Линг Хаиченг. “Буддхизм ин Чина”. - Чина интерсонтинал пресс, 2004.-П. 53.
2. ЮсовБ.В. Тибет.-Т.:Ўздавнашир, 1954.
3. Юй Хуай-Янг Гуй Ян. 2009. -Б. 207-212.